O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI




# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ | Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2003-yil, 21-noyabr, • № 47 (3723)


ЯНГИ НАШР

**Тадбиркор ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг таъсис қурултойида сиёсат майдонида янги куч — янги партия вужудга келди.**

Истиқлол шарофати билан жамият тадбиркорларга юз бурди. Қанчадан-қанча пок ниятли, ғайратли ва уддабурон юртдошларимиз ҳам ўзини бойитиб, ҳам эл-юртнинг бойишига ҳисса қўшаётгани айни ҳақиқат.

Бироқ ишбилармонликни фақат ҳар қандай йўл билан бўлса-да, бойлик орттиришдан иборат, деб тушунаётганлар ҳам йўқ эмас. Жамиятнинг муайян қонун-қоидаларини назар-писанд этмаётган ёхуд ўзи бирор маҳсулот ишлаб чиқариб эмас, балки

Иштибалармон, мардлик ва жасорат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

XXI ASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA | Нишона сони. 2003 йил 15 ноябрь

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ИЖТИМОИЙ ҚАТЛАМИ ЎЗБЕКИСТОН СИЁСИЙ МАЙДОНИДА ЎЗ ЎРНИНИ ЭГАЛЛАШИ ЛОЗИМ

## ТАДБИРКОР — АЗМИ ҚАТЪИЙ МАРД КИШИ

тайёр маҳсулотни хориждан олиб келиб сотишга ўч бўлган, бирор қўли қисқа элдошининг оғзидаги ошини олишдан-да қайтмайдиган, амалдаги тартиб-қоидаларни унутиб, даромадини солиқдан яширадиган кимсалар ҳам бор. Шундай ҳолларда одамлар орасида кимни ҳақиқий тадбиркор дейиш керак, деган саволнинг келиб чиқиши табиийдир.

Хўш, кимни ҳақиқий тадбиркор деймиз? Бугунги ўзбек тадбиркорининг маънавий қиёфаси қандай бўлиши керак? Соҳибқирон Амир Темур бобомиз ўз тузукларида "Ишбилармон — мардлик ва жасорат соҳиби. Азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр-бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир", дея ўгит берганидек, жамият ҳаётининг, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида тадбиркорлар муҳим ва етакчи куч сифатида алоҳида нуфузга эга.

Тадбиркорларнинг жамият ҳаётидаги ўрнига бу даражада юксак аҳамият берилаётгани бежиз эмас. Чунки улар амалий фаолият одамларидирлар. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, "Амалий ҳаёт билан боғланмаган, ҳавойи интилишлар, фақатгина чиройли, лекин қуруқ даъват ва чақириқлар билан яшайдиган сиёсий куч эса — у партия бўладими, ижтимоий ҳаракат бўладими — охироқибатда инқирозга юз тутади ва халқ назаридан қолади".

Тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида бизда айнан халқ назаридан қолмайдиган, эл-юрт ишонадиган, истиқлол берган имкониятларимизни кенгайтирадиган ва мамлакат салоҳиятини оширишга амалда ҳисса қўша оладиган сиёсий кучга эҳтиёж катта эди. Айтиш мумкинки, Тадбиркор ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг ташкил этилиши билан мамлакатимизда ана шундай янги сиёсий куч майдонга келди. Янги партия ўз сафларига ҳақиқий ватанпарвар, ишбилармон кишиларни бирлаштириб, халқимиз фаровонлигини оширишга, демократик тамойилларни мустаҳкамлашга амалда ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Мазкур ҳаракат ва Ўзбекистон либерал-демократик партияси нашри — "XXI аср" деб аталган газетанинг нишона сони ҳам дунё юзини кўрди. Газетанинг илк саҳифалари Президент Ислом Каримовнинг янги тузилаётган сиёсий партия ташаббус гуруҳи аъзолари билан учрашувдаги нутқи ва "Уйғоқлик туйғуси" сарлавҳали бош мақола билан очилади. Шунингдек, мазкур партиянинг таъсис қурултойи делегатларининг чиқишлари, Давлатназар Матрасуловнинг "Деҳқони бой юрт файзли бўлади", Қ.Назаровнинг "Тарихга назар: либерализм асослари" ва М.Қирғизбоевнинг "Либераллар кимлар?" каби салмоқли ва теран мақолалари ҳам янги нашр саҳифаларидан ўрин олган. "Халқаро ҳаёт" рукни остида сайёрамизнинг энг қайноқ нуқталаридаги сиёсий ҳаётга доир хабарлар ёритилган.

# КИТОБ ЎҚИМАГАН ЗИЁЛИ ЭМАС

*дейди биз билан суҳбатда Тошкент давлат Маданият институти ректори Азиз ТЎРАЕВ*

**МУТОЛАА — МАЪНАВИЙ ЭҲТИЁЖ**
**ТАЪЛИМ СИФАТИ — БОШ ТАМОЙИЛ**
**ЭЪТИҚОДСИЗ ЯШАБ БЎЛМАЙДИ**

**— Азиз ака, Сиз раҳбарлик қилаётган Тошкент давлат Маданият институти фаолият кўрсатиб келаётганига қарийб ўттиз йил бўлди. Айтинг-чи, институт ташкил этилишидан кўзланган асл мақсад қандай бўлган? Унинг ёндош соҳадаги олий ўқув юртларидан фарқи нимада? Ҳозирги кунда институтнинг мамлакат кадрлар тайёрлаш тизимида тутган ўрни қандай?**



— Институт ташкил этилишидан кўзланган мақсад — барча турдаги маданият муассасаларини кадрлар билан таъминлаш бўлган. Бошқа олий ўқув юртлари, масалан, Санъат институти ва консерваториядан институтнинг фарқи шундаки, уларда профессионал санъаткорлар тайёрланади. Маданият институтини битирганлар эса узоқ қишлоқ ва шаҳарлардаги кўпминг сонли маданият масканларида меҳнат қилишади. Мамлакатимизнинг истаган ҳудудига боринг: у ерда албатта Маданият институтини битирган кимнидир учратасиз. Чунки биз маданият масканларида ташкилий ишларни олиб борадиган, жойларда халқ ижодиёти юксалиши учун хизмат қиладиган мутахассисларни тайёрлаймиз.

Биз — санъатни севадиган, маданияти юксак даражада ривожланган миллат вакилларимиз. Юртимиздаги ҳар бир вилоятнинг ўзига хос санъати бор ва бу ҳол дунёнинг тараққий этган мамлакатларида ҳам қадрланади. Халқнинг ичида юрган, бошқа жабҳаларда хизмат қилиб юрган истеъдодларни ким уюштириши керак? Ким уларга раҳбарлик қилади? Ўттиз йилдирки, Маданият институтини битирган мутахассислар бу вазифани сидқидилдан бажариб келадилар. Фолклор-этнографик ансамблларнинг, санъатнинг бошқа турларидаги истеъдодларнинг юзага чиқишини худди шу мутахассислар таъминлаб келаётгани сир эмас. Шунинг ўзиёқ институтнинг кадрлар тайёрлаш тизимида тутган ўрнини кўрсатиб турибди, деб ўйлайман.

Айни чоғда, институтимизни битирган жуда кўп истеъдодлар профессионал санъаткорлар сифатида миллий санъатимиз ривожига муносиб улуш қўшиб келмоқдалар. Улар орасида Фаррух Зокиров, Ортиқ Отажонов, Насиба Абдуллаева, Маҳмуджон Азимов, Маъмуржон Тўхтасинов, Каримбой Раҳмонов ва бошқа кўплаб санъаткорларнинг борлигидан фахрланамиз.

Бугина эмас. Фақат биздагина кутубхона мутахассислари тайёрланади. Республикамизда ўн беш мингга яқин кутубхоналар мавжуд. Шу боис бундай мутахассисларга талаб жуда кучли.

Бугунги кунда институтимизда бир ярим мингдан кўпроқ талаба таълим олади. Шулардан қарийб етти юзтаси кундузги, саккиз юздан зиёди сиртқи бўлим талабаларидир. Институтда беш факултет мавжуд. Улар — "Халқ бадиий ижодиёти", "Ижтимоий-маданий фаолият", "Кутубхона-ахборот фаолиятини бошқарув", "Касбий педагогик тайёргарлик" ва сиртқи "Маданиятшунослик" факультетларидир. Уларда талабаларга ўн уч мутахассислик бўйича таълим берилади.

Институтимиз ижтимоий-маданий фаолият йўналиши бўйича республикада таянч олий ўқув юрти ҳисобланади. Наманган ва Фарғона университетларида шундай мутахассислар тайёрланади. Уларда институтимизда тайёрланган дастур ва режа асосида дарс ўтилади.

Бундан ташқари, магистратура бўлимимиз мавжуд. Шу пайтгача институтнинг йигирмага яқин талабаси магистр даражасини олди. Ҳозир эса қирққа яқин магистрант таълим олмоқда. Бу йил бир магистрантимиз — Наира Шоҳназарова Президент стипендиати бўлди.

Ҳар йили институт ходимларидан бир нечтаси ҳукуматимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлмоқдалар. Бу йил институтимиз доценти Алижон Эркаев "Ўзбекистон халқ ҳофизи" унвонига лойиқ кўрилганини институтда олиб борилаётган ишларнинг эътирофи, деб биламиз. Бу бизга улкан масъулият ҳиссини ҳам юклайди.

**Давоми иккинчи бетда.**

## ДОИМИЙ ҲАМРОҲ

Атоқли адиб Ҳаким Назирнинг "Оқибат" деб номланган ҳикоялар тўплами "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди. Чет элларда ҳам болалар ёзувчиси сифатида танилган муаллифнинг бу кейинги маж-




муасида кичкинтойлар ҳаётига бағишланган ўн олтита ҳикоя жамланган. Уларда дўстлик, ҳалоллик, меҳр-муҳаббат, одоб, меҳнатсеварлик ва эл-юртга садоқат туйғулари улуғланади. Бу асарлар шунчалик самимий баён этиладики, улар бадиий тўқима асосида битилганми ёки муайян ҳаётий воқеликка қурилганми — ажратиш қийин. Адибнинг "Таҳликали кунлар" ҳикояси "Ёшликда кўрганларим" туркумига мансуб бўлса, "Энг яхши дўстимиз" ҳикояси эса болаларни китоб билан дўстлашишга чорлайди. Тўпламдаги "Оқибат", "Гулойим", "Меҳригиё", "Иншо", "Уч исмли бола" ҳикоялари руҳига самимийлик, ростгўйлик, мурувват, садоқат каби инсонга маънавий зийнат бағишлайдиган олижаноб фазилатлар сингдириб юборилган.

Тўпламга Эркин Маликов муҳаррирлик қилган. Расмлар рассом Баҳром Бобожонов қилқаламига мансуб. Китобнинг адади — 5000 нусха.

## ИНСТИТУТ МУЗЕЙЛАРИ

**"Тошкент давлат Маданият институти" музейи** 2001 йили ташкил этилган бўлиб, у илм даргоҳининг қарийб ўттиз йиллик илмий, ижодий ҳаётини ўзида акс эттиради. Музейда институтдаги факултет ва кафедраларнинг иш кўламини кенгроқ ёритиш мақсадида алоҳида-алоҳида деворий кўргазмалар ташкил этилган. Шунингдек, қизиқувчан талабалар ҳамда институт меҳмонлари бу даргоҳнинг илмий кенгаши фаолияти ҳақида ҳам ана шу музейдан тўлиқ маълумот олишлари мумкин.

Музейда барча тасвирий (фото) ҳамда ёзма маълумотлар экспозицияси ниҳоясида бундан бир қанча йиллар муқаддам институтни битириб кеттан ва эндиликда эл юртга танилган собиқ талабаларнинг фото суратларига кўзингиз тушади.

**"Абдулла Қодирий" музейи.** Институтнинг буюк адиб, ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирий номига қўйилиши «Абдулла Қодирий» музейининг ташкил топишига замин яратди. Музейга кирар экансиз, даставвал хона тўридаги Абдулла Қодирий ҳайкалига кўзингиз тушади. Бу ерда адибнинг бутун умри давомида бошидан кечирган оғир қисмат ҳақида ғоят муҳим маълумотлар сақланаётганлигига гувоҳ бўласиз. Музейда нафақат севимли адибимиз томонидан яратилган асарлардан намуналар ва унинг тилидан айтилган ҳикматли сўзлар, балки унинг асарлари ҳақида бошқа ёзувчи ва олимларнинг китоблари, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Иззат Султон каби атоқли ижодкорларнинг сўнмас хотиралари билан ҳам танишиш мумкин. Шунингдек, адибнинг оила аъзоларига дахлдор фотосуратлар музейнинг тарихий аҳамиятини янада оширган.

**Нилуфар МАНСУРОВА,**
**Ижтимоий маданий фаолият факултети талабаси**

КУЮНЧАК ГАЗЕТХОН ЁЗАДИ

## ДОЛЗАРБ МУАММО

Кутубхоначилик ишини ташкил қилиш ва бошқариш соҳасида бундан йигирма йилча аввал ишлаб чиқилган эски меъёрлардан фойдаланиш давом этмоқда. Чунки шу чоққача янги меъёрлар ишлаб чиқилмаган. Ҳолбуки, ўтган 20 йил ичида кутубхоначиликда ва умуман жамиятда жуда катта ўзгаришлар юз берди.

Ҳисобга олиб борищда ва китобга ишлов беришда ўндан ортиқ катта-кичик жараёнлар бажарилади. Ҳозирги кунда умумий жамлама ҳисоб-китоби ҳам эски ҳолича қолган. Фақатгина ўзбекча ва русча ёзувлар берилган ҳолатида ишлатилмоқда. Айниқса, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, мактаб кутубхоналари учун алоҳида ўзига хос ҳисобга олиш китоблари бўлиши керак.

Инвентар дафтари ҳар бир ҳужжатни ҳисобга олишга мўлжалланган бўлиб, эски меъёр бўйича битта оддий ҳужжатни инвентарга олиш учун 2 м. 10 секунд, мураккаб китоб бўлса 6 м. вақт берилган. Хўш, бу жараёнлар автоматлаштирилган тарзда бажарилганда қанча вақт ажратилади, қандай меъёрлаштирилади? Келажакда бу масалани ечиш ҳам муҳим вазифалардан бири.

Кутубхоначи бажараётган ишига қараб моддий манфаатдор бўлиши керак. Айниқса, бозор иқтисодига ўтиш ва унинг қоидалари асосида ишни ташкил қилиш кутубхоначилик соҳасидаги йўриқномаларни, меъёрларни ва бошқа ҳужжатларни янгидан ишлаб чиқишни талаб этмоқда.

Шунингдек, ҳужжатларни библиографик тасвирлаш ва каталоглаштириш соҳасида ягона ечимга келиш лозим. Ҳозирча Ўзбекистон кутубхоналари 1984 йилда нашрдан чиқан "Ҳужжатларни библиографик тасвирлаш" қоидаларидан фойдаланмоқдалар. Каталоглаштириш қоидаларини ишлаб чиқиш ва уни халқаро стандартга мослаш мураккаб вазифа бўлиб, унинг ишлаб чиқилиши кутубхоналарни автоматлаштиришнинг асоси бўлиб ҳисобланади. Шарқ мамлакатларида нашр қилинаётган ҳужжатларнинг муаллифларини ёзишда анча қийинчиликларга дуч келинади. Кўпинча уларнинг фамилияси ва исмини ажратиш қийин кечади, аксарият муаллифнинг исми олдин, фамилияси кейин ёзилади. Масалан, Аваз Ўтар, Эркин Воҳидов, Абу Али Ибн Сино, Ким Пен Хва ва ҳоказо. Бу ўринда ягона қоида бўлиши керак. Баъзан аниқлаштиришлар киритиш зарур бўлади. Масалан, ал–Хоразмий (математик), Хоразмий (шоир), Самарқандий (олим), Дюма А. (ота) Дюма А. (ўғил) ва ҳоказо. Бундай ном билан ижод қилган алломалар кўп бўлиб, уларнинг кимлиги, қайси соҳада ижод қилганлигини аниқлаш кераккки, бу тасвирда ўзига хосликни талаб қилади.

Маданият институти ўқитувчилари кутубхоналарни автоматлаштириш концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқиб, унда автоматлашган кутубхонанинг фаолият юритишини белгилаб бермоқдалар. Кутубхоналарни автоматлаштириш учун ҳуқуқий ва ишлаб чиқариш меъёрлари тузилиши, тасвир қоидалари халқаро меъёрга мос келиши лозим. Бусиз биз ахборот бера олмаймиз ва улардан ахборот олишимиз қийинлашади.

Демак, ватанимизнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий тараққиётини янада юксалтириш учун кутубхоналар фаолиятини яхшилашимиз, уларни муҳим ва зарур ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминлашимиз давр талабидир.

**Эргаш ЙЎЛДОШЕВ,**
**Маданият институти кафедра мудири**

**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Лариса Москалёва билан суҳбат**

**— Сиз, билишимча, жуда кўп илм даргоҳларида сабоқ олгансиз. Қандай улгургансиз?**

Лариса МОСКАЛЁВА:

## ФАЗОГИР БЎЛМОҚЧИ ЭДИМ... ҚЎШИҚЧИ БЎЛДИМ



— Болалигимдан параллел равишда иккита мактабда (ўрта ва мусиқа) ўқиганман ва бир неча тўгараклар ҳамда спорт шўъбаларида қатнашганман. Ўрта мактабни тугатиб, Ҳамза номидаги мусиқа билим юртининг вокал бўлимига ҳужжат топширдим ва бўйим пастлиги (менга имтиҳон комиссияси раиси шундай деганди) туфайли киролмаганман. Бироқ Боровский номидаги медицина билим юртига ва Жаҳон тиллари университетига киришга муваффақ бўлганман. Лекин эстрададаги фаолиятим жиддий тус олиб, ўқишларни тугатолмай қолганман. Барибир ўқишга иштиёқим кучлилик қилиб, тикувчилик билим юртини ва Жиззахдаги Ботир Зокиров номидаги мусиқа мактабини тугатдим. Бу йил Маданият институтининг режиссёрлик факултетини тамомлаб, шу институтнинг маданиятшунослик факултети магистратурасига кирдим. Ҳозир тажрибали устозлар раҳбарлигида диссертация устида ишлаяпман. Астойдил ҳаракат қилиб, ҳаммасига улгуряпман.

Менимча, бугунги тезкор тараққиёт даврида инсон учун билим сув билан ҳаводек зарур. Бугун билимсиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Ахир, ҳадиси шарифда «Бешикдан қабргача илм ўрган», дейилган-ку.

**Давоми олтинчи бетда.**




## ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

**«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»**га 2004 йил учун обуна давом этмоқда.

**Обуначилар учун нашр кўрсаткичи — 222.**

Обунани мамлакатимизнинг барча шаҳар, туман ва қишлоқларидаги алоқа бўлимлари ҳамда матбуот тарқатиш тармоқларида расмийлаштиришингиз мумкин.

**Севимли газетангизга обуна бўлишга шошилинг!**


**27 ноябр, пайшанба куни соат 14[30]да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида «Онажоним шеърият» адабий тўгарагининг навбатдаги машғулоти ўтказилади. Унда ёш ижодкорлар таниқли ёзувчи Эркин Аъзам ва "Тафаккур" журнали таҳририяти билан учрашади.**

**Барча қизиққанлар таклиф этилади.**

## БИЛДИРИШ

**5 декабр, жума куни соат 11[00]да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Давлат спорт қўмитаси билан ҳамкорликда ёзувчи-адиблар, ёш ижодкорларнинг ўзбек спортчилари — жаҳон чемпионлари билан учрашуви бўлади.**

**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ**

## ЭЪЛОН

**"Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси 2004 йилнинг 7-10 феврал кунлари Тошкент шаҳрида "Наврўз" умумхалқ байрамига бағишлаб**

## "АЗИЗ ОНА ЮРТИМ НАВОЛАРИ"

**миллий эстрада қўшиқларининг анъанавий Республика фестивалини ўтказади.**

Фестивалнинг асосий мақсади "Наврўз" умумхалқ байрамига бағишланган янги эстрада қўшиқлари яратиш, ёш хонанда ва созандаларнинг ижодий изланишларини қўллаб-қувватлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва баркамоллик руҳида тарбиялашга хизмат этувчи ашулаларни оммалаштириш.

**Фестивал шартлари:**

I

— фестивалда мамлакатимизнинг барча профессионал эстрада жамоалари;
— ёш ва устоз хонандалар;
— олий ва ўрта-махсус санъат ўқув юртларининг талабалари;
— эстрада соҳасида ижод қилаётган бастакор ва шоирлар иштирок этишлари мумкин.

II

— "Наврўз" ва баҳор нашидасини тараннум этиш;
— меҳр-мурувват ва эзгуликни улуғлаш;
— гўзаллик ва ёшликни мадҳ этиш;
— бирдамлик, тотувлик ва умуминсоний қадриятларни куйлаш;
— тинчлик, файзу барокат ҳамда она табиатни асраш ва юрт ободончилигининг бадиий талқини;
— миллий урф-одатларимизни тиклашга доир мавзуларга устувор даражада аҳамият берилади.

**Давоми бешинчи бетда.**

БИР ШЕЪР ТАРИХИ

# ДАРД ДОЯЛИК ҚИЛГАН ШЕЪР



Довруғ солиб, машҳур бўлиб кетган шеърларнинг қай тариқа туғилиши билан шоирнинг мухлислари, қолаверса, бутун шеърият муҳиблари қизиқиши табиий ҳол, албатта. Зотан, ҳассос шоирлар — Ғафур Ғуломнинг "Вақт" ва "Соғиниш", Ойбекнинг "Наъматак", Ҳамид Олимжоннинг "Ўрик гуллаганда" шеърларининг битилиб дунёга келиш тарихи кўпчиликка аён. Ардоқли шоиримиз Абдулла Ориповнинг "Муножотни тинглаб..." шеъри ҳам ўз "таржимаи ҳол"ига эга бўлган шундай асарлар сирасидандир.

— Талабалик йилларимизда Лабзак маҳалласидаги бир торгина уйда ижарада яшаганмиз,— деган эди Абдулла ака 2002 йилнинг 2 март куни Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида бўлган учрашувда. — Андижонлик курсдошим Маҳкам Маҳмудов билан аҳил эдик. У жуда истеъдодли: шеър, ғазал, ҳикоя ёзади, илмий мақолани ҳам қойиллатади. Айниқса, бизни мумтоз адабиётга бўлган ихлос бирлаштириб турарди. Стипендиямизни йиғиб, ўша замон учун катта бисот саналмиш патефон сотиб олганмиз. Доира ликопча устига пластинка қўйиб мурватини бурасангиз бас, игна учидан қўшиқ чиқаверар эди. Навоий, Атойи, Саккокий, Мунис, Огаҳий, Махтумкули ғазаллари билан айтиладиган қўшиқларни Комилжон Отаниёзов, Юнус Ражабий, Берта Давидова, Саодат Қобулова, Муҳаммаджон Каримов, Ҳанифа Мавлонова каби санъат усталари ижросида сел бўлиб тинглаймиз. Мақомларга меҳримиз баланд эди. Эшитганларимизни шарҳлаймиз, қўшилишиб хиргойи қиламиз.

Шундай кунларнинг бирида мумтоз куйни тинглай туриб, мени оғир мунг босди, қалбимда бир ҳазин шеър илҳоми пайдо бўлди. Алалхусус, ушбу шеър юзага келган эди. Мен уни шоша-пиша, қоғозга туширганман:

**Қани, айт, мақсадинг нимадир сенинг,**
**Нега тилкалайсан бағримни, оҳанг.**
**Нечун керак бўлди сенга кўз ёшим,**
**Нечун керак, рубоб, сенга шунча ғам!**

**Эшилиб, тўлғониб инграниди куй,**
**Қайлардан келмоқда бу оҳу фарёд.**
**Ким у йиғлаётган, Навоиймикин**
**Ва ё май куйчиси Ҳайёммикин, дод!**

**Бас, етар чолғучи, бас қил созингни,**
**Бас, етар, кўксимга урмагил ханжар,**
**Наҳотки дунёда шунча ғам бордир...**
**Агар шу "Муножот" рост бўлса агар.**

**Агар алдамаса шу совуқ симлар,**
**Гар шул эшитганим бўлмаса рўё.**
**Сен бешик эмассан, дорсан, табиат,**
**Сен она эмассан, жаллодсан дунё!**

**Эшилиб, тўлғониб инграниди куй,**
**Асрлар ғамини сўйлар "Муножот".**
**Куйи шундай бўлса, ғамнинг ўзига,**
**Қандай чидай олган экан одамзод!**

Икки банднинг ўрнини алмаштирдим. Шеър:

**Куйи шундай бўлса, ғамнинг ўзига,**
**Қандай чидай олган экан одамзод?! —**

мисралари билан тугаган эди.

Тўлғоқдан қутулиб, кўзи ёриган онадай бутун олам мунаввар бўлиб кетганини туйдим. Шеърни бир-икки қайта ўқидим. Ўзимга ёқди. Кейин тағин бир-икки сўзни ўзгартирган бўлдим. Кайфиятим сал ўзига келгач, қайтадан ўқиб кўрсам — ё алҳазар, ўша пайтлари менга ўхшаган шоирлар пешонасига тамға қилиб босиладиган «тушкун шеър» андозасининг нақд ўзгинаси экан. Кўп нарсадан оғзим куйган эмасми — буни бировга ўқисам, балога қоламан-ку. Уч кун ўйлай-ўйлай, изтироб билан шеърим битилган варақни ғижимлаб, мудом кичик чўян ўчоқ ёнида турадиган ўтин челакка итқитдим. Мен янги шеъримдан шу тахлит жудо бўлдим...

Орадан сал ўтиб, Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида (Ёзувчилар уюшмасининг собиқ биноси) катта мушоира бўлди. Номдор шоирлар шеър ўқишди. Навбат ёшларга келганда, дўстим Маҳкамжон:

— Абдуллажон, ташлаб юборган шеърингизни мен олиб қўйибман. Сизга навбат тегса, шу шеърингизни ўқинг! — деб қолди ва ўзи оққа кўчириб қўйган шеърни тақдим этди. Навбат менга теккач,. таваккал деб, «Муножотни тинглаб...»ни ўқиб юбордим. У пайтлар хотирам, қувваи ҳофизам кучли, ўзимнинг, бошқаларнинг минглаб мисра шеърларини ёддан айтаверардим.

Дарҳақиқат, шеър кўпчиликка манзур бўлди. Миртемир домла, Шайхзода домлалар қутладилар. Устоз Абдулла Қаҳҳор эса ўзининг янги ёзган "Ўтмишдан эртаклар" қиссасига шу шеъримнинг сўнгги мисраларини эпиграф қилиб олди...

**Маҳмуд САТТОРОВ**

Ойхумор ПАРДАЕВА

## ШУНЧАКИ ЯШАМА

Яшасанг, шунчаки яшама,
Зулматни ёритган зиё бўл.
Оқлагин онангнинг оқ сутин,
Элингга, юртингга фидо бўл.

Яшасанг, шунчаки яшама,
Дўстлардан аяма меҳрингни.
Умрбод изланиб ол билим,
Доимо чархлаб бор зеҳнингни.

Яшасанг, шунчаки яшама,
Умрингнинг йўллари бешафқат,
Тош келса кемиру, сув
келса симир
Номардга бош эгма сен фақат.

Яшасанг, шунчаки яшама,
Яхшиларнинг руҳи қўллагай.
Бошингдан айланиб
фариштлалар
Оллоҳ раҳмати-ла сийлагай.

Мен сизни соғиндим...
узаяр йўллар.

Висол онларини кутиб интизор,
Чаманзор четида гуллар ўсади.
Шабнам—кўз ёшини артади шамол,
Ҳарсанг—ҳижрон, унинг йўлин тўсади,
у сизни соғинди....

## СИЗСИЗ

Ғам-ташвишлар тугамас асло,
Юраккинам нотинч тепади.
Ҳижрон, алам сел бўлиб гўё
Шодликларим ямлаб кетади.

Соат тинмай айланаверар,
Вақт дегани турмайди қараб.
Ёшлик чоғим қайларга кетар,
Мисли қуёш зулматта қараб.

Ҳижрон мени домига тортар
Бир ялт этган зиёга зорман.
Туйғуларим юракдан тошар,
Мен-чи, нуқул ҳижронга ёрман.

Назира АБДУЛЛАЕВА

## ЁМҒИР

Мен ёмғирга қараб
Томчидан сўз изладим



Бу оқшомда мен сенга не дейман
Ва унутмоқ истадим
Орамизда бўлган сўзларни
Эсиз энди қайтариб бўлмас

Менга қарама ёмғир
Унутмоқни эплай олмайман
Мовий шаффоф кўзларингни
Қўмсар эдим мен
Бироқ эплармиканман
Раҳматим йўқ шафқатсиз сўзга

Йўқ Севги ўлди
Гўё Мен каби
Оқ либосга кирамону
Унутаман Сени
Тополмайман энди барибир
Бахтни
чунки изламайман

Мен ёмғирга қарадим
Само йиғлар мен каби
Сочингни ювмоқда ёмғир
Қўлларим титрайди
Лабим пичирлар
Ишон Мен сенга
Раҳм қилмайман.

Лобар ҚИЛИЧЕВА

## ШАБНАМ

Боққа кирдим саҳарлаб,
Офтоб чиқмасдан.
Атиргулнинг баргида
Порларди шабнам.
Дум-думалоқ мунчоқдек,
Кўзни қувнатар.
Турфа ранги кўксида,
Гўзал нақадар.
Боғ оралаб бир майин,
Шамол эсарди.
Гул баргидаги шабнам,
Оҳ, тебранарди.
Қуёш чиқди самога,
Нурларин сочди.
Қуёшни кўриб шабнам,
Қайгадир қочди.

# СОҒИНЧ САТРЛАРИ

**Ўсма ўпган қошми бу зулук,**
**Бунча поксиз, бунчалар суюк?**
**Сиз борсизки, муҳаббат ҳам бор,**
**Сиз борсизки Муҳаммад буюк.**
**Ойдин қизлар, ойжамол қизлар,**
**Ойдан тушган оқ рўмол қизлар!**

Дарҳақиқат, Муҳаммад Юсуфнинг халқ орасида машҳур бўлишига муайян маънода сабабчи аёлдир. У хоҳ она тимсолида, хоҳ маҳбуб тимсолида, хоҳи сингил тимсолида бўлсин, аёлни умр бўйи улуғлаб ўтди.

М.Юсуф, айниқса, оналарга атаб кўп шеър ёзган. Хонанда ва қўшиқчиларимизнинг номини чиқарган ҳам ана шу шеърлардир. У ёлғиз таянчим — меҳрибоним онам, деб тушунади. "Жонсиз танам устида ҳам парвона" бўладиган фақат онам, дейди. Оналарга бағишланган шеърларининг кўпчилигида оналарга дардини тўкиш бор. Шоир уларда чексиз меҳр-мурувват манбаини кўради. Ўзининг оналарсиз қанчалик ночорлигини айтади:

**Яшаяпман шарпадек,**
**Сезилмай гоҳ, сезилиб.**
**Гоҳи кўкка интилиб,**
**Гоҳи ерга эгилиб.**
**Соғинганда шеър ёзиб**
**Юракларим эзилиб,**
**Эл ичра бир шоири,**
**Девонаман, Онажон!**



М.Юсуф ижодида оталар номидан қизларига айтилган шеърлар ҳам катта ўрин эгаллайди. Масалан, Нозимага аталган "Узр"да шоир-отанинг фикри шеърда бўлиб, ўз қизига етарли даражада эътибор қарата олмаганидан ўкиниш бор. Ўз қизларининг оталик меҳридан тўла қонмай ўсаётганидан эзилади, "ота" номини оқлолмадим, дейди...

"Соғинч сатрлари" шеърида эса, шоирнинг синглисига — аканинг сингилга бўлган соғинчи ифода этилади. Синглисини эсларкан, у ўз қишлоғини, ёшлик чоғларини қўмсайди. Аканинг ҳам, сингилнинг ҳам ҳозирги ҳолати ўша беғуборлик пайтларидагича эмас, лекин бунга сингил, энг аввало, аёл сифатида кўниккан, лекин шоир бунга кўниколмайди.

**Синглим менинг,**
**Хушрўйгина синглим менинг.**
**Сени кутар тор уйингда**
**тўққиз бола.**
**Кенг уйингда поёни йўқ**
**дашту дала,**
**Сен кўникдинг,**
**Кўникмади кўнглим менинг.**

Муҳаммад Юсуфнинг муқаддас зот — онага, умуман, аёлларга бағишланган шеърлари ҳақида кўп гапириш мумкин. Биз эса гапимизни мухтасар қилиб, шоирнинг бу улуғ мавзуда баҳоли қудрат ўз сўзини айтолганини таъкидлашга уриндик, холос.

**Сардор ҒОЗИЕВ, талаба**

# КЎНГИЛНИ ЁРИТГАН ЗИЁ БЎЛ

## "НАФОСАТ"ДА ҚАЛАМ ЧАРХЛАНАДИ

**Мусиқа, куй-қўшиқ шеъриятга ошно тутинган кўнгил ишқ-муҳаббат жилолари ила нурланади. Шу баробарида ҳаётга иштиёқ ошади, дунё рангин суратларда кўринади. Бинобарин, "Нафосат" газетаси теварагида жамлашиб, бадиий ижод сир-асрорларини ўрганаётган талабалар орзу-истаклари ҳам беқиёс.**

**Маданият институти нашри саналмиш "Нафосат" хилма-хил мавзулардаги хабарлар, таҳлилий мақолалар, ижод намуналари билан кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда. Саҳифамизда ана шу муҳитда қалам чархлаётган ижодкорлар машқларидан намуналар ўқийсиз.**

Насиба ЭРНАЗАРОВА

### НЕЧУН АЛДАДИНГ?

Юрагим эзилиб йиғлайман сим-сим,
Изингдан термулиб боқаман жим, жим,
Сенсиз ёруғ дунё кўринар тим, тим,
Нечун алдаб кетдинг, нечун алдадинг?

Ишқ деган дардимга даво бўлмадинг,
Сени жондан севдим, парво қилмадинг,
Оҳ... Нетай, севгимнинг қадрин билмадинг,
Нечун алдаб кетдинг, нечун алдадинг?

Бу кун юрагимни армон чулғайди,
Дилимни аламли ҳижрон тиғлайди,
Кўз ёшга кўмилиб кўзим йиғлайди,
Нечун алдаб кетдинг, нечун алдадинг?

Айт, жоним, дунёни сенсиз нетайин,
Энди ҳар ўтказган куним бетайин,
Хаёлингдан узоқ қайга кетайин,
Нечун алдаб кетдинг, нечун алдадинг?

### УМИДНИНГ КУЧИ

Яшамоқлик гар бўлса қийин,
Умидсизлик бўлиши тайин,
Ич-ичингдан эзилган сайин,
Доим умид сени асрайди.

Ҳаёт сенга бешафқат келса,
Ҳатто дўстинг ҳолингдан кулса,
Аламлардан юрагинг тўлса,
Бил, ўшанда умид асрайди.

Қадрингга ҳеч кимса етмаса,
Кимдир сени севиб кутмаса,
Умидсизлик хароб этмаса,
Ўшанда ҳам умид асрайди.

Ҳаловатинг бўлмаса тунда,
Азоб чексанг ҳар ўтган кунда,
Ҳатто яшаш жонга текканда,
Фақат умид сени асрайди.

Умид шундай кучли, бебаҳо,
Шунинг учун унга зўр баҳо,
Ҳаётингга жавобгар даҳо,
Умид, умид сени асрайди.

Олмос БЕКМИРЗАЕВ

### НАФС

Ғанимнинг енгасан қидирмай имкон,
Тоғларни янчгайдир баҳодир ўғлон.
Қалбимни ўртайди шу савол мудом:
Қачон ўз нафсингни енгасан инсон?

Мағлубсан, айт, нега унинг қошида,
Бошингни эгасан бермоқ учун жон.
Оғирдир сендан-да ҳамал тошида,
Қалбингни кемирган бу қора туғён.

Нафснинг занжирин узмоқ бўлсанг гар
Ўзгадан сен мадад сўрама зинҳор.
Бу дарддан мосуво бўлмоғинг учун
Аввало ўзингни енгмоғинг даркор.

Шоира/ ТЎЙЧИ қизи

### ҚАЙДАСАН

Ҳижронлар қалбимни ўртаса бир дам,
Соғинчдан тунлари йиғласам, эркам,
Аламлар қийнаса, эзганида ғам,
Мен сени қайлардан излай, дўстгинам?

Кечалар оромим йўқотсам бир зум,
Хаёлим чалкашса ҳайрону маҳзун,
Мени ташлаб кетдинг фироққа нечун
Мен сени қайлардан излай, дўстгинам?

Орзу-армонларинг қайларда қолди,
Ҳаётга ишончинг қайга йўқолди,
Наҳот хаёлингни кимлардир олди,
Мен сени қайлардан излай, дўстгинам?

Қалбим мозорида бечора Мажнун,
Кўзларим нигорон йўлингда бу кун,
Не-не тунлар ўтди бағрим лолахун,
Мен сени қайлардан излай, дўстгинам?

Нодира САИД АЗИМ

### ҚИШЛОҒИМ

Қишлоғим кўзимдан ўтмоқда бир-бир,
Соғинч тилсимидан кўнглим паришон,
Айтақол, дўстгинам, бу қандайин сир,
Уни бир кўрмоқ-чун берардим жаҳон.

Қишлоғим кўзимдан ўтмоқда бир-бир,
Сигир, қўй ҳайдаган ёш "чўпон"лари,
Ўтмоқда онамнинг тўла бир тандир
Мен учун аталган кулча нонлари.

Қишлоғим кўзимдан ўтмоқда бир-бир,
Дўстларим ҳам маъюс кўздан ўтади,
Даврани тўлдириб турардим ахир,
Энди улар менсиз билмам нетади.

Қишлоғим кўзимдан ўтмоқда бир-бир,
Қишлоғим, онамдай кутасан мани,
Жилмайиб қўясан тиласам сабр,
Худди кутаётган синглим сингари.

Қишлоғим кўзимдан ўтмоқда бир-бир,
Қалбимдан отилар бир нолаи ун,
Шошмагин, нон-тузинг оқлайин ахир,
Бошни баланд тутиб бораман бир кун.

Зуҳра СОБИРОВА

### У СИЗНИ СОҒИНДИ...

Юрагим қўрида порлаган юлдуз,
Сиз томон талпинар ҳар лаҳза, ҳар он,
Хаёлим сиздадир кеча-ю кундуз,
Мен сизни соғиндим...
қисқадир имкон.

Хотир дафтаримда ўтлиғ муҳаббат,
Таърифига сўз ҳам ожизлик қилар.
Умрбод сизни деб ўтгумдир албат,



# ЛАТИФАЛАР

Хотин эрига ҳисобот беряпти:
— Биласизми, бугун менга пул керак бўлиб қолди. Ишхонангизга ўтдим. Қарасам, хонангизда йўқ экансиз. Костюмингиз осиғлиқ турган экан. Чўнтагидан эллик минг олдим.
— Қизиқмисан, мен ҳозир умуман бошқа хонага кўчиб ўтганман-ку!

* * *

Жабрдийда аёлни сўроқ қилишяпти:
— Айбланувчи, сизни зўрлаётганда нега ёрдам сўраб қичқирмадингиз?
— Қичқирмоқчи эдим, анави ярамас мени қўрқитди.
— Қандай қилиб?
— Ғинг десанг, ҳозироқ қочиб кетаман, деб.

* * *

— Жаноб полициячи, ҳозиргина мени тунаб кетишди: соатимни, пул солинган портфелимни олиб қўйишди.
— Нима учун ёрдамга чақирмадингиз?
— Оғзимда иккита тилла тишим бор, шунинг учун бақиришга қўрқдим-да.

* * *

Учрашувда қиз йигитга:
— Сиз футболчи бўлсангиз керак?
— Қаердан билдингиз?
— Қучоқлашиш ва ўпишишингиздан!

* * *

Қорбобо уч яшар қизчадан сўраяпти:
— Хўш, қизалоқ, бу йил нимани орзу қилдинг? Нима совға қилай, айт?
— Адажон, соқолингизни ечиб бейинг...

* * *

Тадбир. Бошловчиларнинг саҳнадаги ўзаро гаплари:
— Мана, тадбирни ҳам зўрға бошлаб олдик.
— Нега энди зўрға?
— Эй, бир кун келсак залимиз банд бўлади, иккинчи кун зал бўлганда, манови қурмағур аппарат бўлмайди. Учинчи кун аппарат ҳам, зал ҳам бўлганда...
— Хўш, хўш?
— Мана! Энди бирорта ҳам томошабин йўқ!..

**Абдулла ФАЙЗИЕВ тўплаган**

ОМАДСИЗ ОШИҚ

# ҲАЖВИЯ

Менинг бошимга ҳам ишқ савдоси тушди. Севиб қолдим. Қиз жуда бадавлат оиладан, мен оддий ишчи оиласида туғилганман. Хуллас, у бой, мен камбағал, деб хаёл суриб турган эдим, дафъатан менда ғурур пайдо бўлди. Ахир, бой бўлса ўзига, камбағаллик айб эмас-ку?! Етти мучам соғ, бировдан кам жойим йўқ, ҳатто қулоғимда ортиғим ҳам бор. Кўринишим чакки эмас, озгина орикқлигимни ҳисобга олмаса. Қизга шундай сўз айтайки, ўзи мени севиб қолсин. Ҳозир шу бекатга келиб автобус кутади, нима десам экан? Яхши қиз, мен сизни севиб қолдим... Йўқ, ахмоқлик бўлади, бирорта теша тегмаган сўз топишим керак. Шу вақт ёнимда дўстим Тоҳир пайдо бўлди.

— Ҳа, Ортиқ, нега хомушсан? — деди дўстим.

— Эй, Тоҳир, сен сўрама, мен айтмай. Бир қизни севиб қолдим. Ҳозир шу бекатга келиб, автобус кутади. Нима дейишни билмай ўтирибман.

— Биласанми, мен қаллиғим билан қандай танишганман?

— Қандай?

— Қаллиғимнинг ҳамёни тушиб қолганда, мен топиб бериб муҳаббатини қозондим. Сен ҳозир у қиз келганда, чўнтагидан ҳамёнини оласан.

–Қанақасига?!

–Сездирмай, аста чўнтагидан ўмариб ердан топиб олгандек эгилиб, ҳамённи қайтариб берасан. Қарабсанки, севгилинг сенга ўз ташаккурини билдиради. Пайтдан фойдаланиб: "Яхши қиз, сизни кузатиб қўйсам майлими?" — дейсан. Ҳамёни топилганидан қувонган қиз рози бўлади.

Мен олтин топиб олган ёш боладек севиниб кетдим.

— Раҳмат, дўстим, ҳақиқий ўртоқ шундай бўлади, мени ночор аҳволдан қутқардинг, — дедим.

Шу вақт узоқдан қизнинг келаётганини кўриб, режамни амалга ошириш учун ўрнимдан турдим. Тоҳир менга "бор" деб ишора қилди. Қиз бекатга бироз етмай тўхтаб, автобус кута бошлади. Мен қизни зимдан кузатиб, қулай фурсат изладим. Дўстимга қарасам, у қўли билан нималардир деб, имлар эди. Қизнинг ён томонига ўтдим. Ана омаду мана омад: чўнтагидан узунгина ҳамёнининг бир учи чиқиб турар эди. Қизга яқинлашиб, сездирмай ҳамёнини ўғирладим. Қиз ҳеч нарсани сезгани йўқ, энди ҳамённи ердан топиб олгандек эгилиб, уни қайтариб бериб, қизнинг муҳаббатини қозонишга жазм қилувдим. Аммо мени узоқдан бир милиционер кузатиб турган экан. Дарҳол жиноят устида ушлагандек бўлиб қўлимни қайирди.

— Яхши қиз, бу сизнинг ҳамёнингизми? — деб сўради милиционер.

— Ҳа, — деди қиз.

— Бу йигит сизнинг ҳамёнингизни чўнтагингиздан ўғирлаб олди.

— Йўқ, йўқ, — шошганимдан тилим калимага келмасди.

Қиз менга нафратомуз қаради. Чиройли шаҳло кўзлари қисилиб, бетимга тарсаки тортиб юборди. Мен тушунтирмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эдим, қизнинг иккинчи тарсакисидан бурним қонаб кетди. Ўғри эмаслигимни исботлаш учун дўстим томонга қарадим. Тоҳир аллақачон жуфтакни ростлаган экан. "Ўғри", "ўғри" деб қиз юзимга тарсаки тушира кетди. Бақир-чақирдан атрофимга одамлар йиғилишди. Текин томошани мен ҳам яхши кўрар эдим, лекин бировни чертмаганман. Йиғилган оломон ичидан билмайман кимдир келиб, пешонамга мушт туширди. Кўзимдан ўт чиқиб кетди. Кимнингдир орқадан берган зарбасидан сўнг ҳеч нарсани эслолмайман. Юзимга сув сепиб, ҳушимга келтиришди. Тепамда ўша мен севгисини қозонмоқчи бўлган қиз қаққайиб турар эди.

— Ундан кўра ишласанг ўласанми? Филдек кучинг бор бўлса?!

— Мен сизни севаман, яхши қиз,-дедим аранг куч топиб.

— Нима?!

— Сизни севганим учун ҳамёнингизни олдим, яна қайтариб бермоқчи эдим...

— Топган гапинг шуми?! Яна нималар дейсан, ярамас!

Мен милиционерга шу қизни қанчалик севишимни, танишиш учун шундай қилганимни, турмуш қуриш ниятида эканлигимни тушунтиришга ҳаракат қилдим. Бари бефойда бўлди. Милиционер қўлимни қайирганча, "Сендақаларнинг кўпини кўрганман, сендан баттар ёлғончиларни тутганман. Келиб-келиб сенинг шу гапингга ишонаманми?" — деб ўдағайлади.

Дўстимнинг маслаҳатига кирганимга минг пушаймон бўлдим. Ички ишлар бўлимида, яратганга минг шукр, мени тушунадиган одамлар бор экан. Айбсизлигимни исботлаб бердим. Қўйиб юборишди. Ҳаммасига раҳмат айтдим. Ўша бекатда яна автобус кута бошладим. Шу пайт ёнгинамга қадди-басти келишган бир гўзал келиб тўхтади. Сумкасидан ниманидир ахтариб бехосдан ҳамёнини тушириб қўйди. Мен жимгина кузатиб турдим. Қиз эса ҳамёнини тушириб қўйганини сезмасди. Ҳамённи ердан олдим. "Яхши қиз, ҳамёнингиз тушиб қолибди", демоқчи эдим. Қиз менга, сўнг ҳамёнига қараб, "Бер ҳамёнимни! Ўғри!" деб торткилай бошлади. Мен нима қилишни билмай, вазиятни тушунтираман деб ҳамённи қаттиқ ушлаб турибман. Қизнинг ранги докадек оқариб кетди.

–Ўғри! Ҳамёнимни бер! — деб бақира бошлади. Ура қочдим. Мендан ҳам тез югурадиганлар бор экан. Дарров етиб олишди. Калтаклаб қўйиб юборишса ҳам рози эдим. Лекин инсофли одамлар экан, мени Ички ишлар бўлимига судрашди. Рўпарамдаги, менинг аҳволимни тушуниб қўйиб юборган милиция капитанига энди нима десам экан? Мени тушунишармикан? Сиз не дейсиз?

**Хислат ПЎЛАТОВ, талаба**

